

93 - الثَّانِي: عَنْ أَبِي سُرْوَعَةَ - بِكَسْرِ السِّينِ الْمُهْمَلَةِ وَقْتَحِهَا - عُقْبَةَ بْنِ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: صَلَّيْتُ وَرَاءَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْمَدِينَةِ الْعَصْرِ، فَسَلَّمَ ثُمَّ قَامَ مُسْرِعًا، فَتَحَطَّى رِقَابَ النَّاسِ إِلَى بَعْضِ حُجَرِ نِسَائِهِ، فَفَعَلَ النَّاسُ مِنْ سُرْعَتِهِ، فَخَرَجَ عَلَيْهِمْ، فَرَأَى أَهْمُمْ قَدْ عَجَبُوا مِنْ سُرْعَتِهِ، قَالَ: «دَكَرْتُ شَيْئًا مِنْ تِبْرٍ عِنْدَنَا، فَكَرِهْتُ أَنْ يَجْعِسَنِي، فَأَمْرَتُ بِقِسْمَتِهِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [851].

وَفِي رِوَايَةِ لُهُ: كُنْتُ حَلَفْتُ فِي الْبَيْتِ تِبْرًا مِنَ الصَّدَقَةِ، فَكَرِهْتُ أَنْ أُبَيْتَهُ» [1430].

«الْتِبْرُ» قِطْعٌ ذَهَبٌ أَوْ فِضَّةٌ.

93. Абу Сирваъа Уқба ибн Ҳорис розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Мадинада Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг орқаларида аср намозини ўқидим. У зот салом бердилар-да, сўнг тез туриб, аёлларидан бирининг ҳужраси томон одамларнинг елкаларидан ҳатлаб ўтиб кетдилар. Шитобларидан одамлар хавотирга тушишди. Кейин уларнинг олдига чиқиб, шитобларидан уларнинг ажабланганликларини кўриб: **«Бизникида озгина ёмби тилла (борлиги) эсимга тушиб қолди. У мени чалғитишини ёқтирамадим ва уни тақсимлашга буюрдим»**, дедилар».

Ином Бухорий ривояти.

Ином Бухорийнинг бошқа ривоятида: «Уйда садақадан бўлган бир ёмбини

қолдириб чиқкан эдим. Уни қолишини кариҳ кўрдим», дейилган.

**Шарҳ:** Биз «ёмби» деб таржима қилган «тибр» сўзи ишлов берилмаган бир парча олтин ёки кумуш маъносини англатади.

Чунки бу нарсалар Аллоҳни зикридан чалғитиб, Аллоҳга яқинлашишга ҳалақит берар эди.

Имом Бухорийдан қилинган бошқа ривоятда ҳам чалғитувчи нарсадан воз кечганлари келтирилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нақшли хамийсаларида намоз ўқий туриб, унинг нақшларига бир назар ташладилар. Салом бергач: **«Бу хамийсамни Абу Жаҳмга олиб бориб беринглар, чунки бу ҳозир мени намозимдан чалғитди. Менга Абу Жаҳмнинг анбижониясини\* олиб келинглар»**, дедилар».

\* Анбижония – Анбижон деган жойдан келтириладиган, нақшсиз қалин эн кийим.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дунё хою ҳавасига қизиқмаганлари ва У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хайр-садақага қизиқишилари.
2. Намозда хайр-садақа, тақво амали ҳақида эслаш мумкинлиги.
3. Кишилар таажҷубланган ишларни баён қилиб уларни таажҷубдан чиқариш, ҳақиқатни баён қилиб бериш кераклиги.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



